



Ахборот-таҳлил
газетаси



www.hamkorpess.uz




t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 27 май. 10 (389)-сон

hamkor.press@mail.ru



Ургутлик Маждихон Исломов изланувчан ёш тадбиркор. Унинг раҳбарлигидаги "Urgut sanoat servis" оилавий корхонасида 50 нафар йигит-қиз иш билан банд. Улар тайёрлаган 20 турдан ортиқ эркаклар кийимлари нафақат ички бозорда сотилмоқда, балки, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

"Hamkorbank"нинг Ургут филиали корхонанинг молиявий кўмакчиси. Унинг ривожланишида банкнинг алоҳида ўрни бор.

— Ҳозирда янги лойиҳа устида ишляпмиз. Бу билан 3 мингта иш ўрни яратилади, — дейди М. Исломов.

Бекзод МУТАЛИБОВ олган суратлар.



ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон аҳолиси энди дунёдаги энг йирик электрон тижорат платформаларидан бири — "Amazon"да савдо қила олади. Бу ҳақда компания платформасида сотувчилар тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхати янгиланганида маълум бўлди.

"AMAZON"ДА САВДО ҚИЛИШИМИЗ МУМКИН

Америка платформасида сотишни бошлаш учун ўзбекистонлик тадбиркорлар рўйхатдан ўтишлари, ўз шахсий кабинетларини ўрнатишлари, тасдиқловчи ҳужжатларни қўшишлари, банк ҳисоб-рақами ва халқаро тўлов карталарини очишлари керак.

Эслатиб ўтамиз: "Amazon" (Amazon.

com,Inc.) — бу дунёдаги энг йирик электрон тижорат ва умумий булутли ҳисоблаш платформасига эга бўлган даромад ҳамда бозор капиталлашуви бўйича Америка компанияси ҳисобланади. Бош қароргоҳи Сиетлда жойлашган. Жефф Безос томонидан 1994 йил 5 июлда ташкил этилган.

2021 йил 1 май ҳолатига кўра, республикада рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 13,0 мингтани ташкил этиб, улардан 12,5 мингтаси фаолият юритмоқда. Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 минг 557 тага ошган. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси маълумот берди.

ҚАЙСИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР КЎП?

Хорижий капитал иштирокида 2021 йилнинг январь-апрель ойларида янги ташкил этилган корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони:

Россия — 2 199 та
Хитой — 1 867 та
Туркия — 1 714 та
Қозоғистон — 991 та
Корея — 894 та
Хорижий капитал

иштирокида 2021 йилнинг январь-апрель ойларида янги ташкил этилган корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони:

Туркия — 164 та
Россия — 119 та
Хитой — 94 та
Қозоғистон — 78 та
Корея — 28 та.

Бу сонга:

Бу банк менга жуда кўп яхши нарсалар инъом этди. Филиалга ишга келганимда ёш йигит эдим. Ҳозир тўнғич фарзандим 14 ёшда. Оилам тинч, болаларим бекаму кўст улғаймоқда.



"КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА ХАМ ШУ ЕРДАМАН..." 4

ТИББИЙ ХИЗМАТ: халқимиз қачон рози бўлади?



Бироқ ҳамон тизимда айрим камчиликлар кузатилаётганидан кўз юмиш қийин. Инсон саломатлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда атиги 13 фоиз аҳолини бу ўзгаришлардан хабардорлиги ачинарли.

6

Сирлари фош бўлишдан ҳадиксираган ўғрилари болани роса калтаклашиб, чала-жон ҳолида ўз отига чамбарчас боғлаб қўйишади.



ВАФОДОР 7

"ҚОДИРХОН" СЕРИАЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАЁТДАН ОЛИНГАН

"Қодирхон"даги она образи шу пайтгача ўйнаган ролларимдан фарқ қилади. Ўта сабрли, оғир-босиқ, бадавлат бўлсада, камтарин, оқила, садоқатли ва эрини "пири" дея қабул қилган аёл.



8

АҚШ. Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватловчи резолюция кўриб чиқиш учун мамлакат Конгрессига киритилди.

ТАИЛАНД. Ютуғига сизилар, тилла буюмлар қўйилган лотереялар, дўконларга совға купонлари ва ҳатто нақд пул ёрдамида аҳолини коронавирусга қарши эмланишга жалб этишга қарор қилинди.



ОЛАМДА НИМА ГАН?

ТОЖИКИСТОН. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 83 минг 944 гектар экин майдонига чигиртка тарқалганини билдирди.



الله أكبر

ИРОҚ. Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилган коррупциявий битимлар сабабли 2003 йилдан бери бир триллион доллар йўқотилганлиги маълум қилинди.

ШВЕЦИЯ. Гётеборг шаҳрининг собиқ мэри, 56 ёшли Энн-Софи Херманссон лавозимига қайта сайлана олмаса, сиёсатдан кетиб, чиқинди ташувчи транспорт ҳайдовчисига айланди.



PEOPLE'S VACCINE (ХАЛҚ ВАКЦИНАСИ) ТАШКИЛОТИ. Коронавирусга қарши вакциналар туфайли 9 нафар янги миллиардер пайдо бўлди. Улар орасида BioNTech, Moderna ва CanSino Biologics компаниялари раҳбарлари бор.

РОССИЯ. Мамлакатда петрушка уруғларини етиштирилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Агар уларнинг гиёҳванд мойини олиш мақсадида амалга оширилганлиги исботланса, жиноят кодексига мувофиқ жазо қўлланилади.



ШВЕЙЦАРИЯ. ЖССТ бош директори Женевада бўлиб ўтган Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ассамблеяси мажлисида коронавирусдан кўра хавфлироқ вирус пайдо бўлиши мумкинлигини билдирди.



ХИТОЙ. Ташқи ишлар вазири Америка қўшинларининг Афғонистондан шошилиш олиб чиқиб кетилиши минтақа барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.



МАЛИ. Ҳарбийлар мамлакатнинг вақтинчалик Президенти Ба Ндау ва ҳукумат раҳбари Моктар Уанни ҳибсга олди.



ГОНГКОНГ. Кимошди савдосида "Сакура" номли ноёб пушти бриллиант рекорд сумма — 29 млн. долларга сотилди.



ГЕРМАНИЯ. "Бавария" футболчиси, польшалик Роберт Левандовски Европада мавсумнинг энг яхши тўпурари бўлди ва илк бор "Олтин бутса"га эга чиқди.



AMERICAN AIRLINES. Компания бош директори Дуг Паркер мусулмон ходимлари нимани ҳис қилаётганини яхшироқ тушуниш учун Рамазон ойида рўза тутди.

Шундан сўнг у ислом динидаги ҳамкасбларига ҳурмат-эҳтироми, уларнинг иймонларига бўлган садоқати янада ошганини билдирди.



ҚОЗОҒИСТОН. Жорий йилнинг 1 май ҳолатида маҳаллий ижро органлари рухсати билан меҳнат фаолиятини олиб бораётган хорижий фуқаролар сони 15 минг 443 кишини ташкил этди. Уларнинг энг кўпи хитойликлар.



"Global money week" — Умумжаҳон пул ҳафталигининг бош мақсади — эртамиз эгаларини кичик ёшдан пул билан муомалада бўлишга ўргатиш, пулни тежаш, ундан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилувчи мазкур ҳафталик муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Hamkorbank" АТБ билан ҳамкорликда Андижон шаҳрининг қатор мактабларида Молиявий саводхонлик дарсларини ташкил этди. Эътиборли жиҳати, ушбу танловда иштирок этиш истагида бўлган мактаб ўқитувчилари учун банкнинг Андижон шаҳрида жойлашган бош офисида малакали мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.



"HAMKORBANK" ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРДИ

Ўқувчиларнинг молиявий саводхонлик асосларини мукамал эгаллашлари учун зарур тавсиялар берилди. Қўлланмалар тақдим этилди. Тайёргарлик ишлари якунига етгач, зиё масканларида очик дарслар ўтказилди. Дастлаб 30-умумтаълим мактаби, кейинчалик, 5, 35-ДИМ, 24 ва 11 – умумтаълим мактабларида тадбирлар юксак савияда ташкил қилинди. Очик дарслар 5-11-синф ўқувчилари орасида ўтказилиши белгиланган бўлиб, педагоглар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов шартларига кўра, молиявий саводхонлик дарслари математика, информатика фани ўқитувчилари томонидан уйғунлаштирилган ҳолда



Ёшлар келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи ушбу тадбирлар видеороликка жамланиб, нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг эътиборига тақдим этилди. Малакали мутахассислар томонидан 35-давлат ихтисослаштирилган мактабнинг математика фани ўқитувчиси Муаттар Нишонова "Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. 2-ўрин 11-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Розияхон Азимовага насиб этди. Ғолиб устозлар билан суҳбатлашдик.

М. Нишонова: — Бугунги танловда ғолиб бўлганимдан мактабимиз жамоаси жуда хурсанд. Танлов шартларига кўра қизиқарли дарс ташкил этишимда албатта "Hamkorbank"нинг кўмаги катта. Келгусида ҳам сабоқ бериб келаётган фаним — математикага молиявий саводхонликни уйғунлаштиришни мақсад қилдим. Биз устозларни шу тарзда қўллаб-қувватлаётган, касбимизга бўлган меҳримизни ошираётган ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Р. Азимова: — "Global money week" ҳафталиги


олиб борилди. Турмуш тарзи, рўзғор мисолида тайёрланган масалаларни ечиш орқали ўқувчилар пулни жамғаришни ўрганган бўлса, кам харажат қилиш, маблағдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ривоятлар дарсларнинг қизиқарли ва ёдда қоладиган бўлишига хизмат қилди. Машғулотлар интерфаол шаклда ташкил этилган бўлиб, устозлар ҳам, ўғил-қизлар ҳам мавзуга доир ижодий ишлар: турли кўргазмалар, пулни жамғаришга хизмат қилувчи мосламаларни тайёрладилар. 5-умумтаълим мактабининг иқтидорли ёшлари молиявий саводхонликни миллий кашталарда акс эттиришга муваффақ бўлди.

Ҳафталик доирасида ўқувчиларга банк, омонат, кредит, бизнес бўйича батафсил маълумотлар берилди. Танловда иштирок этган барча зиё масканларига "Hamkorbank" томонидан молиявий саводхонликни оширишга қаратилган тарқатма материаллар ва эсдалик совғалари топширилди.

доирасида ўтказилган очик дарс ўқувчиларимизга жуда маъқул келди. Уларнинг таассуротлари бир олам. Банк, молия соҳасига қизиқишлари шу даражада бўлдики, "Hamkorbank"нинг филиалларига бориб, меҳнат фаолияти билан яқиндан танишдилар. Банк ходимларининг маданияти, корпоратив этикаси ўқувчиларни бу соҳага жуда қизиқтирди. Ўзим ҳам "Hamkorbank" мижозиман. Банк томонидан тақдим этилаётган хизматлардан кўнглим тўлади. "Global money week" сабаб банк ходимлари билан ҳамкорликда ишлаганимиздан хурсандман.

Ғолибларга диплом, фаол иштирокчиларга сертификат, эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўринни қўлга киритган 35-давлат ихтисослаштирилган мактабнинг ўқувчиларига банк фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берувчи саёҳат ташкил этилди.

Наргиза ЭШОНОВА,
Банкнинг PR-менеджери.



Гул ўстирган киши нафосат, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат туйғуларига ошно бўлиши табиий. Айти кунларда гўзал Наманган аҳли ана шу меҳр ила “Гуллар фестивали”нинг 60-юбилей байрамини нишонламоқда.



НАМАНГАН: ЯРИМ МИЛЛИОН МЕҲМОН ГУЛЛАР БАЙРАМИДА

Тили ширин, меҳмондўст, қадрият ва муҳаббат, ҳурмату эҳтиром ила мезбонлик қилаётган наманганликларнинг хонадони-

ўтказиладиган Гуллар байрами бу йил Халқаро гуллар фестивали мақомини олгани бежиз эмас. Айти пайтда Туркиянинг Испар-

етакчи нашрларининг бош саҳифасида — Ўзбекистоннинг гуллар макони янгидан кашф қилинди.

Турфа гуллар билан безатилган 200 дан ортиқ автомашиналар карвони шаҳар маркази бўйлаб саф тортди. Унда замонавий ва антиквар, оддийдан тортиб махсус техникаларгача безатилган гуллар автопаради кўргазмалари, гул етиштириш ва ландшафт дизайни бетақдор, фольклор ансамбллари ва ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий

дарвозанинг салобати ва кўркемлигидан ҳайратимизни яширолмадик. Мўтадил ҳавони сақлаб турувчи фавворалар, очиқ сув тизими, ерости дренажи қудуғи бетақдор. Катта кўлда “Музқаймоқ оролчалари”, “Қайиқлар бекати” ва атракционлар болажонлар қувончию кулгиларига гувоҳ.

*Муждалар ёзсин қулочин,
Эшитсинлар Чину Мочин
Ўрис дўстлар дил қувончим
Намангонда гул байрами.*

*Қирғиз, қозоқ қардошларим,
Тожики, тотор дарддошларим.
Тинчликсевар кўз-қошларим,
Намангонда гул байрами.*

*Ҳинду фаранг дўсту ёрлар,
Олмон, корейс меҳриёрлар.
Румийга ҳамюрт шунқорлар,
Намангонда гул байрами.*

*Бобур боғи — боғи жаннат,
Ҳар битта гул — рамзи ният.
Гул — гўзаллик маънавият,
Намангонда гул байрами.*

*Куйлаб дўстлик таронасин,
Кўринг, водий афсонасин.
Кезинг, Ибрат кошонасин,
Намангонда гул байрами.*

*Келинг дўстлар, берингиз қўл,
Бунда толеъ меҳрдай мўл.
Юракларга кенг равон йўл,
Намангонда гул байрами.*

*Гуллар гулларга туташсин,
Йўллар йўлларга туташсин.
Диллар дилларга туташсин
Намангонда гул байрами.*

Қадимий ва кўҳна Наманганнинг бетақдор “Афсоналар водийси”да меҳр-муҳаббат, ёшлик гўзаллиги, тинч ва фаровон юртимизда бахтли инсонлар яшаётганига гувоҳ бўласиз. Минг эшитгандан бир кўришни афзал билган ҳамюртларимиз нафосат байрамида чаманзорлар ичра кезмоқдалар.

Ҳа, гўзалликни севганлар бугун Наманганда. Сиз ҳам бу тантананда иштирок этинг.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ.

Муҳайё ШАРИПОВА,

“Hamkorbank” АТБ Наманган минтақавий филиали мидл офис HR менежери.

— Аввалги байрамларга нисбатан бошқача шукуҳда ўтаётган фестиваль, жуда-жуда кўп гуллар билан безатилган. Қўшимча фасад, атракционлар, бирор майдон йўқки, гуллар билан ястанмаган. Айтиқса, тунги чироқларда янада нафислик мужассам.

Ҳар бир туман ўзининг рамзийлигини акс эттирган. Машҳур шоир ва халқимизнинг доно фарзанди Чустий ҳайкалида ҳайкалтарошнинг мураккаб, аммо завқли меҳнати намунаси акс эттирилган бўлса, Чуст дўппилари ноёб санъат ила нафис гулларда битилгандай. Гўзал малаклар кечинмалари, сирлари шу дўппиларда сўзлаётгандай. Норин дарёсининг сокин, аммо мавжланиб оқишида Норин туманининг рамзлари чаманлар ичра безанган. “Кўксарой”нинг тоғларию мусаффо осмони тинчлик-хотиржамлик ва нурафшон ҳаёт, бахтли келажакни ифодалаган. Яна давом эттириш мумкин гуллар ила яратилган гўзалликларни.

Фестивал кишилар қалбига нафислик ва гўзал туйғуларини бахш этапти.

санъати асарлари намоиши кўнгилларни яшнатди.

— Ўзбекистонлик бўла туриб Наманганнинг бу даражада гўзал шаҳар — гуллар макони эканини билмаган эканман, — дейди зоминлик Зарифа Икромова.

Чинакам гўзаллик Бобур номли маданият ва истироҳат боғида ўз ифодасини топган.

“Тунги чироқлар гуллар янглиғ нурафшон, тароватли. Сўрткли ўтирғич чинакам сабр ва меҳнаткаш наманганликларнинг қўли гул эканини ифодалайди”, дея таърифлаган андижонлик бир талай меҳмонлар юзу кўзида шодлик.

9 та кўча билан боғловчи тўққиз

дан тортиб ҳар бир кўчаси, хиёбону боғ-роғлари гуллар билан бурканди.

— Гулсиз хонадоннинг ўзи йўқ Наманганда. 20 дан ортиқ гул турини ўстириш асносида ишдан келгач, гулхонамда дам оламан, ҳордиқ чиқараман. Гул парваришlash момоларимдан мерос, — дейди шифокор Фаридохон ҳожи она.

Ҳар йили анъанавий тарзда

та ва Усмонғози, Хитойнинг Циндао, Жанубий Кореянинг Инчеон, Беларуснинг Могилёв шаҳарлари, Покистоннинг Панжоб, Россиянинг Челябинск ва Свердловск, Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятлари вакиллари байрамни дўстлик ва биродарлик анъаналари билан боғлади. АҚШ, Россия, Покистон, Нидерландия, Тунис, Швеция ва бошқа бир қатор давлатлар

Ўқтамжон ЭРГАШЕВ,
“Hamkorbank” АТБ Наманган филиали бошқарувчиси.

— Наманганда анъанавий маросим тусини олган Гуллар байрами бу йил 60-бор ўтказилмоқда. Гул парвариши меҳр-муҳаббат талаб қилади. У ҳамманинг қўлида ҳам унавермайди. Аммо наманганликлар бунинг ҳадисини олган. Бошқа вилоятлардан келган гулчилар ҳам бунинг этирофи этмоқдалар.

Фестиваль ҳар доимгидан ўзгача тус олган, шаҳримиз чинданда гулларга бурканди. Дунё гўзалликлари жам бўлгандай, гўё. Дарҳақиқат, Ўзбекистон жаннатмакон диёр-тунги чироқлар бахтдан сўйлаётгандай, мусаффо осмон ҳаётнинг гўзаллигини ифодаётгандай. Бугунги гўзаллик ва нафосатни кўриб, очиғи, наманганлик эканлигимдан фахрландим. Шундай юртда яшашнинг ўзи бир бахт эканини туйдим.



Болаликдан банк ходимаси бўлишни орзу қилган Замирахон Ўктамова 1979 йилда Россиянинг Саратов шаҳридаги Саратов иқтисодиёт институтининг банк иши йўналиши талабаси бўлади. Кечки курсда таҳсил олгани боис, кундузи ҳисобчи вазифасида ишлади. Ҳали ўзга юртнинг баланд-пастини билмай туриб мустақил яшашга киришади. Қийинчиликларни енгиб ўтиш ундан жасорат талаб этиши табиий. З.Ўктамовада ана шу жасорат, шижоат, билим бор эди.



"ҲАМ ЎРГАТАМАН, ЎРГАНАМАН"

— дейди 40 йиллик малакага эга

Замирахон ЎКТАМОВА

Оиласидаги муҳит Замира опанинг ҳаётида ўз аксини топган. Ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажариш, ишонч, қатъият ва сабр унга хос.

— Бувим очарчилик вақтларида Бухорога келиб қолган русларданман, дердилар. Анчагача ўз юрти ва яқинларини кўмсаб изтироб чекканларини кўп гапириб берарди. Ўша кезларда ўзбекларнинг меҳр-оқибати, кейинчалик онам ва тоғамнинг дунёга келиши билан овуниб кетган экан. Дадам Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти-ни тамомлагач, Бухорога ишга қўйилади ва онамни ёқтириб, уйланади. Оилада 8 фарзанднинг иккинчиси. Онам оддий уй бекаси бўлса-да, дунёқараши кенг, тафаккурга бойлиги биз фарзандлар камолида кўринган, — дейди фахр билан Замира Ўктамова.

— Одатда, "болалар кўпроқ она тарбиясини олади, эркак киши кўчаннинг одами", дегувчи эди ёши улугларимиз. Бири ҳарбий, бири шифокор, яна бири банк ходими ва бошқа касбларни эгаллашларида бу ҳикматнинг исботини кўргандайман. Ўша кезларда ўзбекларнинг меҳри, одамлилиги буви-сининг соғинчини босган бўлса, ажаб эмас.

2001 йил "Hamkorbank"ка келган кезларда Замира она банк ходимаси сифатида шаклланиб бўлган эди. У пайтларда 4 та асосий бўлинма — кредитлаш, бухгалтерия, жамғарма ва касса амалиётлари ҳамда 13 та филиал мавжуд бўлган. Кредит

банкнинг асосий даромад келтирувчи бўлими ҳисобланарди. З. Ўктамова "Лойиҳаларни молиялаштириш ва қарз бериш" бошқармаси бошлиғи, кейинчалик Микрокредит сектори раҳбари этиб тайинланади. Ва бир қанча масъул вазифаларни бажаради. Кредит портфелининг асоси, яъни 80-90 фоизини автокредитлар ташкил этарди. Махсус қўлланмалар йўқ, молия муассасасини ривожлантириш учун ҳали анча ишлар қилиниши зарур.

— Банк раҳбарининг ташаббускорлиги, айниқса, халқаро банклар фаолияти билан танишуви "Hamkorbank"ни юксалтирди. Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Ислон банки ва хорижий инвесторларни

лари "Hamkorbank"нинг бош офиси ҳамда филиалларида раҳбарлик қилмоқда.

— Халқаро Молия корпорацияси, Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки ҳамда Осиё Тараққиёт банки лойиҳаларини амалга оширишда катта ҳисса қўшган, асосчилардан. Банкнинг Кредит сиёсати, Гендер сиёсати ҳамда экология ва ижтимоий сиёсатининг шаклланишида Замира Ўктамова қўлланмаси бўйича ишланмоқда, — дейди Одилжон Юсупов.

Бугунянги иш бошлаган ходим муаммо ва қийинчиликларга учрамайди. Олти ой давомидида махсус қўлланмалар билан танишади, ўқиб, ўрганади, банкнинг барча функционал босқичини босиб ўтади, ходим сифатида шаклланади. Иш ташкил қилиш, бизнес ва лавозимларга тайинлаш жараёнида фаол қаҳрамонимиз кўплаб тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшганидан фахрланади. "Бугун шиддатла ривожланаётган давр билан ҳамнафас яшаш асносида ёшлардан ҳам ўрганаман, янгилик қидираман", дейди меҳр ила.

Бир файласуфнинг "ўқитиб, ўрганамиз" деган сўзлари Замира она учун айтилгандай, гўё. Чунки у айни пайтда банк Кенгаш тафтиш комиссияси аъзоси сифатида филиалларда кредитлар текширувларини назорат қилади. Ғайрат-шижоат ва изланиш борасида ёшларга ибрат.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

“Кредит портфелининг асоси, яъни 80-90 фоизини автокредитлар ташкил этарди. Махсус қўлланмалар йўқ, молия муассасасини ривожлантириш учун ҳали анча ишлар қилиниши зарур.”

жалб қилишга эришилди, — дейди суҳбатдошим.

Кадрларни саралаш, ходимларни танлаб олишда фаол Замира она устози Ўктамжон Дўсмаатовдан ўрганганларини ҳаётда маёқ қилиб адашмади. Бугун ўзи ҳам устозлик мақомига эришди. Улуғбек Солиев, Бахтиёр Жўраев, Шавкатбек Ҳайдаров, Акрамжон Парпиев, Умиджон Нарзиев, Зафарбек Сафурбаев каби кўплаб шогирд-

“HAMKORBANK” МЕНИНГ
ҲАЁТИМДА

2000 йилда танишларим "Hamkorbank"нинг Чиноз филиалида иш борлигини айтиб қолишди. Хужжатларимни олиб келдим, мени илиқ кутиб олишди. Бу муносабат менга ёқди ва шу банкда ишлашни хоҳладим. Мана шу воқеага ҳам 21 йил бўлди. Ишни кассирликдан бошлаганман. Ҳозир Бек офис етакчи мутахассисиман.

"Hamkorbank"ка биринчи келганимда ходимлари хушмуомала экан, деган фикр уйғонган ва ҳозир ҳам шу фикримда қоламан.

Мендан "Узоқ йил битта жамоада ишлаб зериккан пайтингиз, бошқа жойга кетиш ниятингиз ҳам бўлганми?" деб сўрадингиз. Тўғриси айтман, ҳа бўлган. Ўша пайтда ўзимни ёлғиз қолгандек, ишларим жуда кўпайиб кетгандек ҳис қилганман. Шунда бош банкдан бизга куратор бўлиб келган Бахтиёр ака сабр қилишим кераклиги, бу филиалнинг келажаги порлоқлигини айтиб, тасалли берган. Эртанги кунга умид уйғотган. Унинг маслаҳати ва ўғитларига қулоқ солиб тўғри қилган эканман. Энди жамоамни, ишимни бошқасига алишмайман. Зерикиш ҳам эсдан чиққан, ҳар куни қизиқарли воқеалар бўлади (кулади).



“КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА ҲАМ ШУ ЕРДАМАН...”

Бу банк менга жуда кўп яхши нарсалар инъом этди. Филиалга ишга келганимда ёш йигит эдим. Ҳозир тўнғич фарзандим 14 ёшда. Оилам тинч, болаларим бекаму кўст улғаймоқда. Албатта, иш орқали топаётган моддий даромадимдан қониқаётганим учун бир жойда кўним билан хотиржам меҳнат қиляпман. Ишингиз бўлса-ю, у ҳаётингизни таъминлай олмаса, режаларни ўзгартиришга мажбур бўласиз.

"Hamkorbank"да ишлаб таниш-билиш, дўст-ошно, ҳурмат-этибор орттирдим. Бирон корхона-ташкilotга борсам, таниб қолиб, дарров ишимни битириб беришга ҳаракат қилишади. Нимага? Чунки улар ҳам бизнинг филиалимизга келганида иши шунақа тез битган, сарсон бўлмаган.

Банкимизнинг ходимлар салоҳияти, уларнинг ўқиб-ўрганиб, малакасини оширишига бўлган этиборини жуда маъқуллайман. Ўзим ҳам соҳамизга оид жуда кўп амалиётларни шу ерда ўргандим. Филиалимизнинг бир қанча бўлимларида ишлаб, тажриба орттирдим.

Яхши ишим, интизомим учун ҳануз шу жамоада бўлсам керак. Мен ҳам бу тизимга нимадир бергандирман. Бу балки, мендан иш ўрганиб, билмаганларини билиб, кейин бошқа филиаллар ривожига ҳисса қўшаётган шогирдлар ёки бизнинг хизматимиз, ҳамкорлигимиз туфайли ривожланиб, жамиятда ўз ўрнини топган мижозлардир. Нима бўлганда ҳам "Hamkorbank" — менинг кечаги куним, бугуним, эрта.

Фуркат МУСТАФОВЕВ,
Чиноз филиали етакчи менежери.



Бугун ҳеч иккиланмай “Намкорбанк”ни улкан салоҳиятга эга тажриба мактаби деб аташ мумкин. Бу мактабни бунёд этишда иштирок этганлар ҳозирда бобо, буви бўлиб, фарзандлар ардоғида, тинч-хотиржам ҳаёт кечирмоқда. Улар нафақага чиқиб, уйда ўтирган бўлса-да, собиқ жамоаси томонидан бир лаҳза бўлса ҳам унутилгани йўқ. Бунни кунга кеча ана шундай фахрий ходимлардан 19 нафарини водийдаги сўлим ва хушманзара Аҳмад ал-Фарғоний номидаги дам олиш уйига таклиф этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Саёҳат иштирокчилари 60-70 ёшдаги инсонлар, “Намкорбанк” тизимида фаолият юритган, бугун эса кексалик нафақасида. Кўпчилиги ёшига нисбатан анча ёш кўринади. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам уларнинг яхши меҳнат муҳитида, мамнунлик билан ишлаганидан дарак беради.

— Ёшим 69 да, — дейди Чинобод филиалининг собиқ ходимаси Лола ая Ваҳобова. — Мен бу банкда 10 йилдан ортиқ фаолият юритдим. Касаллик сабаб 2013 йилда нафақага чиқдим. Шундан буён уйданман. Нафақага чиққанимга деярли 18 йил бўлса-да, “Намкорбанк” мени унутмади. Байрамларда йўқлаб турибди, мана шу

Хавоси жуда мусаффо экан, соғлигимдан умуман шикоят бўлмади. Икки кун давомида банкда ўтган кунларимни эсладим. Мана, қолган фахрийлар билан танишдим. Ҳануз йўқлаб, эҳтиром кўрсатиб, шундай жойларга таклиф қилгани учун банк раҳбариятига, шахсан Кенгаш раисига ташаккур



амиз ўсиб, юксалиб борди. Сабр-тоқат ортидан кўп нарсага эришдик. 60 ёшга

ЭЪТИБОР УЧУН РАҲМАТ!



айтаман.

Татьяна Никонова Асака филиалида 19 йил ишлаб, 2015 йил нафақага чиқибди. Рус бўлса ҳам ўзбекларга хос чапанилиги бор, шаддод ва ғайратли аёл.

— Филиалга келишим қизиқ бўлган. Ўшанда бошқарувчи 5 та мижоз топиб келсангиз, ишга оламан деганди. Сўзида турди. Фаолиятимни пул муомаласи бўлимида бошладим, кейин назоратчи кассир бўлдим. У пайтларда филиал энди шаклланаётгани учун камчиликлар кўп эди. Йиллар давомида жамо-

дам олишга ҳам ҳурмат қилиб чақирди. Тўғриси, уйда ўтириб, соғлигим ёмонлашгани, оиламда айрим муаммолар бўлгани учун анча сиқилиб қолгандим. Расул Мухторов кўнғироқ қилганида жуда хурсанд бўлиб кетдим. Бу ерга келиб, кайфиятим анча кўтарилди. Қон босимим ошмасмикин, деб хавотирлангандим.

кирганимда Бош банкдан Манзура Тохтасинова ва Расул Мухторовлар келиб табриклаганида, роса қувониб кетдим. Битта ходимга шунча ҳурмат-эътибор кўрсатадиган бошқа бундай ташкилотни кўрмадим, — деди Асака филиалининг фахрли ходимаси.

“Кексалик — донишмандлик” деб айтганлари рост экан. Англаб етдимки, ҳаёт сабоқ чиқариш учун бериларкан. Ёшликда жуда кўп истакларни, катта-катта орзуларга эришишни хоҳлайсиз. Ёши ўтиб боргани сари орзу-истаклар ўрнини шукроналик, хотир-

жамлик эгаллар экан.

Дам олиш уйининг сокин оқшомида кўм-кўк арчазорлар чулғаб олган ўриндиқларда ҳаёл суриб ўтирган отахон, онахонларга қараб шу фикрга келдим. Кайфиятлари анча кўтаринки эканлигидан, шўх мусиқа оҳанглари таралганда, шартта ўрнидан туриб рақсга туша бошлашди. Айниқса, Зафар Қосимов, Раъно Абдураззоқова, Ҳафизахон Тешабоева, Асадулло Мирзаакбаров, Розияхон Тоштемировалар ўйинни роса қотирар экан. Худди ёш болалардек беғубор, яйраб ўйинга тушишларини кўриб, қулфидилингиз очилиб кетади.

“Битта телефон кўнғироғининг ўзи қанчалик кайфиятимизни кўтариб юборди. Бизни ўйлаб, дам олишимиз учун жон куйдирган банкимиз раҳбариятига, жамоат ташкилотларига каттадан-катта раҳмат. Бу ерга келаётганимизни эшитиб, фарзандларимиз ҳам хурсанд бўлди. Бизнинг чиройли яшашимиз — уларнинг қувончи”. Отахону онахонлар ўз фикрларини ана шундай ифода этди. Улар дийдор кўришгач, бир-бирларидан қувват олганини, оила ташвишларидан чалғигани, ўтган кунлар соғинчига шундай учрашувлар малҳам бўлишини айтишди. Банкнинг ютуқларини доим кузатиб, эшитиб борар эканлар.

“Шу банкда ишлаб, ёмон бўлмадик, фарзандлар улғайтирдик, тўйлар қилдик. Яхши жойда ишлашнинг ўзи бахт, ундан кейинги даврни ҳурмат-эҳтиромда ўтказиш яна бир бахт!”, Ҳа, бу фахрийларнинг эътирофи. Демак, кексаларга кўп нарса керакмас. Бир оғиз ширин сўз, меҳр-эътиборнинг ўзи мукофот. Бунни тушуниб етган Банк раҳбарияти уларга ана шу туйғуни инъом этишга, “Намкорбанк” ривожига меҳнати синган инсонларни муносиб тақдирлашга ҳаракат қилмоқда.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.

Қува туманида жойлашган Аҳмад Ал Фарғоний дам олиш уйида “Намкорбанк”нинг водий филиаллари ва Бош банк ходимларидан иборат 40 нафар иштирокчи ўртасида “Team building” машғулоти бўлиб ўтди. Тадбирга ходимлар билан ишлаш департаменти директорининг ўринбосари Ақром Парпиев ва Банк Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раисининг ўринбосари Элёр Абдуқодировлар бошчилик қилди.

“ПАНДА” ВА “ЖИН”ГА АЙЛАНГАН ХОДИМЛАР

Ўзгал табиат кучида ўтказилган мазкур тадбирдан мақсад — раҳбар ва ходим ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, жамоавий муносабатларни шакллантириш, ходимларнинг банкка садоқати ва хайрихоҳлигини ошириш эди. Машғулотни пойтахтдан ташриф буюрган малакали тренинг мураббийлар олиб борди.

Машғулоти мазмуни шарқ эртақларига асослангани учун унга “Алоуддин” деб ном берилди.

Иштирокчилар уч гуруҳга бўлиниб, турли ақлий ва жисмоний машқларни қамраб олган бир неча шартлар бўйича ўзаро мусобақа олиб боришди.

Гуруҳларига “По”, “Орзу” ва “11 та жин Арсивда” деб ном берган учта жамоа биринчи шартни ўзини таништириш билан бошлади. Бу шартда барча қойдаларга риоя қилган “11 та жин” жамоаси ғолиб деб топилди. Кейинги шарт қозоғга солинган шарикларни икки киши ерга туширмай маълум масофага кўтариб югуриш эди. Бунда ҳам учинчи жамоа бошқалардан яхшироқ ҳаракат қилди.

Учинчи шарт иштирокчиларнинг ақлий салоҳияти ва тезкор фикрлашини шакллантиришга қаратилди. Унда тренинг-мураббий томонидан айтилган биронта сўзни иштирокчилар ўзла-

рига ёпиштириб олган ҳарфлар ёрдамида тезкорлик билан ҳосил қилиши керак эди. Бу шартда “По” жамоаси ўз чаққонлиги ва зийраклигини кўрсатди.

Энг мураккаб шартлардан ҳисобланган эртақ қаҳрамони акс этган

рангли расми майда бўлақларга бўлиб қирқиб, кейин уни қайта тиклаб чиқиш мусобақасида ҳам “11 та жин” аъзолари ғалаба қозонди. Шу каби қизиқарли

ўйинларга бой бўлган “Team building” машғулоти дўстона ва қувноқ руҳда ўтди. Натижада иштирокчилар бир оз бўлсада меҳнат ҳафтасидан орттирган руҳий ва жисмоний чарчоқларини ёзди. Табиат кучида бир-бирига бўлган дўстона ҳурмат янада ортди. Ходимларнинг ўйинлар оламига беғуборлик билан киришиб кетиши, болаларча шўхлик ва қизиқиш билан ёндошишлари бундай тренингларнинг аҳамияти муҳимлигини ўзида ифодалади.

(Ўз мухбиримиз).



Кейинги пайтларда судлар фаолиятига доир янгиликлар кўп бўлди. Аммо улардаги баъзи ҳолатлар кишининг ғашини келтириши аниқ. Мисол учун, судьялар юборадиган хат-хабарларга ҳеч эътибор қаратганмисиз? Мана шундай хатларга судьянинг исм-шарифи ва лавозими ёзилган бўлса-да, бироқ, унинг ўрнига судья ёрдамчиси ёки бошқа шахслар “//” – қия чизиқ белгисини тортади-да, имзо қўяди. Шу билан бундай хат-хабарлар худдики суднинг, судьянинг ҳужжатидек жимгина айланаверади ва ижро қилинаверади.

СУДЬЯ ВА НОЗИР ТИЛ БИРИКТИРСА...

Бу тўғрими? Албатта, нотўғри. Суд номидан чиқадиган ҳужжатларга судьянинг ўзи имзо қўйиши керак эмасми? Бу билан кимни алдаяпмиз? Яна халқимиз? Ўз ишига масъулият билан ёндашиш тўғриси қачон бизда шаклланади? Қалбаки имзолар ҳамда муҳрлар қанчалик моҳирлик билан қўйилган бўлмасин, экспертизада буни аниқласа бўлади. Шунингдек, фуқаролик даъво ҳужжатларининг, тил-хат, васиятнома ва бошқаларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолларда ҳам хатшунослик экспертизасининг аҳамияти катта.

— Суд-хатшунослик экспертизаси қалбаки имзолар бўйича жуда кўп ҳолатларга аниқлик киритади, — дейди Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази лаборатория мудирини Наргис Солиева. — Масалан, аввал фаолият юритган Тошкент шаҳридаги маъмурий ишлар бўйича бир нечта туман судлари томонидан қабул қилинган минглаб қарорлардаги судьяларнинг имзолари лабораториямизда экспертиза қилинмоқда. Маълум бўлишича, маъмурий судларнинг ва Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг айрим мансабдорлари 2017-2019 йилларда жиноий тил бириктириб, пойтахтда йўл қондасини бузган

фуқароларнинг жарима учун тўлаган маблағларини турли йўллар билан ўзлаштириб келишган. Улар қоида бузиб, жаримага тортилган ҳайдовчиларга нисбатан шароитидан қатъи назар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 3081-моддасини (Ҳуқуқбузарлиқнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш тартиби) қўллаб, жавобгарликдан озод қилиш ёки БХМнинг бешдан бир қисми миқдорида жарима қўллаш ҳақида қарор чиқариб юбораверишган экан.

Яна бир гап. Бундан кўриниб турибдики, бундай қарорларнинг чиқарилиши бежизга эмас. “Соққаси”ни олишган-у, ишни ҳал қилиб ташлайверишган. Кейин яна одамларнинг ўзи айбдор, деймиз. Айнан уларнинг ҳуқуқларини таъминлаши керак бўлган мансабдорларнинг лавозимидан фойдаланиб, пул бер, ишингни ҳал қиламан, деб турганидан кейин одамлар додини кимга айтсин? Судгами? Судьяларнинг ҳолати бундай бўлса... Мана, нега одамларда маълум тизимга ишонч йўқлигининг яна бир сабаби.

Н. ЮНУСОВА,
Тошкент.

ТИББИЙ ХИЗМАТ:

халқимиз қачон рози бўлади?



Кейинги йилларда республикада тиббиёт соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шахсан Президентимизнинг ўзлари соҳага катта эътибор қаратяпти. Бундан кўзланган мақсад — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш.

Эришилаётган ютуқлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Соҳа ривожини учун давлат томонидан катта маблағ ажратилмоқда. Шифокорларнинг ўз касбига бўлган муносабати ва масъулияти пандемия сабаб синондан ўтди. Бугун энг чекка ҳудудларда ҳам замон талаби даражасида хизмат кўрсатилаётгани қувонарли.

Бироқ ҳамон тизимда айрим

камчиликлар кузатилаётганидан кўз юмиш қийин. Инсон саломатлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда атиги 13 фоиз аҳолини бу ўзгаришлардан хабардорлиги ачинарли. Шу йилнинг 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида эришилган натижалар қайд этилиши баробарида ана шу танқидий фикрлар очик-ойдин айтилгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари куйинчалик билан соғлиқни сақлаш тизими-га ҳар йили бир неча триллионлаб маблағлар ажратилаётгани, халқаро кредитлар жалб қилингани ва ушбу ажратилаётган маблағлар самарасини халқимиз сезиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу жуда

ўринли. Халқимиз ўзгаришларни сезиши ва яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиши лозим.

Шу ўринда бир масала. Айрим ҳолларда юқоридагиларга қарамай, баъзи соҳа ходимларини ўз вазифасига масъулият билан ёндошмаётгани, ҳатто коррупцияга йўл қўяётгани ҳақида эшитамиз. Бу арзимасдек кўринсада, амалга оширилаётган катта ишларга соя солади. Шундай экан, халқ саломатлигини ҳамма нарсадан устун қўйган ҳолда камчиликларга чек қўйиш зарур. Зеро тиббиётни янада такомиллаштирилишига хизмат қилувчи янги ислохотлар бошланди. Токи халқимиз тиббий хизматдан рози бўлсин.

Зокиржон АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм.

“Hamkor press” газетасининг 2021 йил 13 апрель кунги 7-сонида “Мардикор бозори”да нон топаётган аёллар” мақоласини ўқиб, изтиробим ортди. Республикаимизнинг чекка қишлоқларидан бирида — Қирғизистон Республикасига яқин ҳудудда яшайман. Турмушдан ажрашганман, 4 нафар фарзандим бор.



“МЕҲНАТДАН ОР ҚИЛМАЙМАН”

Ёз кунлари иссиқ бўлганлиги боис ҳар куни қишлоғимиздагиларнинг шоли ўтоғи, макка чопиғи дейсизми, юмуши чиқиб туради, тирикчилик ўтказиш осонроқ. Бироқ, қишда ташвишларим ортади. Газетада кўтарилган мавзу мен каби ишсиз қишлоқдошларимнинг айна кўнглидаги ташвиш. Ишсизлик туфайли мардикор бозорига чиқишни илгари ор деб билган бўлсам, эндиликда тирикчилик манбаи ҳисоблайман. Пул топсам бўлди, дея оғир, енгил, иссиқ-совуқ демай турли юмушларни бажариб, анча соғлиғимни олдириб қўйдим.

Мақолада кўтарилган муаммоларнинг барчасига дуч келганман, бироқ ҳеч бири ижобий ечим топмаган. Меҳнат марказлари ҳақида-ку гапир-маса ҳам бўлади. Алалхусус, тирикчилик кўйида яна “мардикорлик” юмушлари билан андармон бўламан. Ёшлигимда ўқимаганим, ота-онамнинг гапига кириб, бирор ҳунарни ўрганиб қўймаганимдан афсусдаман. Менга ҳар бир куним ўтгани ғанимат, болаларим улғайишяпти. Катта ўғлим 12 ёшда. Ёнимга кириб қолган, унча-мунча пул топиб, рўзгоримизга ҳиссасини қўшяпти. Ўқиганларимизу ёзганларимиз ўз йўлига, ҳаёт бошқа эканлигини кўп бор англайман. Меҳнатнинг яхши ёмони бўлмайди. Асосийси болаларимни ҳалол луқма билан катта қиляпман. Уларни ўқиб, яхши одам бўлишларини истайман.

Телевидение ва интернет тармоқлари орқали “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” шакллантирилаётгани билан танишиб борапман. Давлатимиз раҳбарини ташвишлантираётган мен сингари аёллар ҳаётининг ижобий томонга ўзгаришига ишонаман.

Марҳабо ЮСУПОВА,
Сурдарё.

Расулжон ака Қутибоев тиниб-тинчимас инсонлар тоифасидан. Ёши улуғлигига қарамай ҳамон меҳнат қучоғида — асалли япроқ (стевия) етиштириш билан банд. Ўзи туғилиб ўсган Жонобод қишлоғида “Асалли япроқ” деҳқон хўжалигини ташкил этиб, қарийб чорак асрдан бери хорижий ўсимликдан мўл ҳосил етиштиришга интиломда. Ер майдони катта эмас — атиги 30 сотих. Шундай бўлсада, оила аъзолари билан астойдил ишлаб, изланиб эътиборга молик натижаларга эришди.

Мамлакатимизда стевия экиш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни кўпайтириш мақсадида бошланган ҳаракатга биринчилардан бўлиб қўшилган избосканлик ишбилармон деҳқон бу ўсимлик ҳам иқтисодий, ҳам тиббий жиҳатдан кони фойда эканлигини таъкидлашдан чарчамайди. Қарерда бўлмасин, ундан тайёрланган

ди. Тиббиётчилар унинг ўнлаб хасталикларни даволашда яхши самара беришини аллақачон исботлашган. Шу боисдан японияликлар 1982 йилдаёқ уни ўзларининг кундалиқ озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига киритишган ва шу йили 300 тонна асалли япроқ етиштиришиб, 700 тоннасини четдан — жанубий



АСАЛ БОБО

маҳсулотларнинг самараси тўғрисида сўз очади.

— Стевия Жанубий Американинг Парагвай давлатидан келтирилган, — дейди у ўз манбаларига таяниб. — Ширинлиги шакарга нисбатан 300 баробар юқори. Номи ҳам шунга муносиб. Ҳар бир парагвайлик йилига ўртача 8 килограммдан ортиқ мазкур ўсимликдан тайёрланган чойни истеъмол қилади. Шу боисдан бу ерда қандли диабет билан оғриганлар сони нисбатан кам. Ўтган йилги халқаро тиббий статистика маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг 16,1 фоизи (420 млн. киши) бу дардга мубтало бўлган. Агар стевия саноат усулида кенг экилса, биргина шу касалликка қарши ижобий ечим топилган бўлар-

шарқий Осиё мамлакатларидан харид қилишган. Узок умр кўрувчилар мамлакатига айланиб бораётган кунчиқар юртда ҳозирда озиқ-овқат саноатининг қарийб ярмини стевия ташкил этади.

Умри деҳқончиликда ўтаётган шоиртабиат, камсуқум бу инсон билан суҳбатлашиш мароқли. Ўзи шуғулланган ишни ипидан игнасиғача ўрганмаса, тин олмайди. Қарердаки стевия ҳақида гап чиқса, билишга шошилади, китоб титкилайди, янгилик қидиради, тажриба излайди. Асалли япроқ чойи ва маҳсулотлари инсон саломатлигига ҳеч қандай акс таъсирга эга эмаслиги, парҳез саналиши, ёшартириш хусусияти борлиги, ундаги ноёб эфир мойи балиқ мойи билан

қиёсланишини айтгач, мўъжизакор ўсимликнинг иқтисодий самарадорлиги билан ҳам қизиқдик.

— Меҳнатга яраша даромади ҳам чакимас, — деди у сўровимга хотиржам жавоб бераркан. — Масалан, бир гектар майдонга 75-80 минг туп кўчат экиш мумкин. Агар ана шу ердаги ҳосил қадоқланган чой шаклида сотилса, 1 млрд. 350 млн. сўм кассага тушади. Яхна чой тарзида савдога чиқарилса, ундан уч баробардан зиёд даромад кўриш мумкин. Шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, 135 тонна шакарнинг ширинлигини берувчи шифобахш маҳсулот олса бўлади. Яна бир хусусияти унга ҳашарот тушмайди. Негаки у парҳезбоп ўсимлик бўлгани сабабли зарарку-нанданинг қорни тўймайди.

Захарли кимёвий дори-дармонлар учун ортиқча сарф-харажатга ҳожат йўқ.

— Демак, стевия нафақат тиббий нуқтаи назардан, балки, иқтисодий томондан ҳам мўъжизакор эканда...

— Ҳа, албатта. Ўзингиз англаган бўлсангиз, бир гектар майдон ер эгасига ўрта ҳисобда 2 млрд. сўм фойда келтиради. Бу борада маълум тажрибага эга деҳқон сифатида айтишим мумкинки, стевияни парваришлаган кам бўлмайди. Қанийди, бу ўсимлик юртимизда кенг қўламда экилса... Бу борада ўйлаб қўйган режа-лойиҳаларимиз ҳам бор. Дейлик, биргина Фарғона водийсининг ўзида уч йилда (махсус ер майдонлари ажратилмаган ҳолда!) стевиязорни 3 минг гектарга етказиш мумкин. Бу, юқоридаги ҳисоб-китобга асослансак, мазкур майдондан йилига 6 трлн. сўм даромад олиш мумкинлигини англатади. Пироварди-

да аҳоли зич бўлган водийда 50-60 минг янги иш ўрни яратилади. “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилганлар бу ишга жалб қилинса, хайрли ишнинг қиймати янада ошиши шубҳасиз.

— Лойиҳа қоғозда қолиб кетмаслиги учун нима қилиш керак?

— Бу борада тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бор. Доривор ўсимликлар етиштириш, маданий ҳолда плантациялар яратиш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш бўйича лойиҳаларга кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Буёғи энди мута-саддиларга боғлиқ.

Сўнгги сўз ўрнида: Расулжон ака стевия етиштириш баробарида асалари боқишга ҳам ихлос қўйган. Дала-боғлардаги ари уяларидан оладиган шифобахш боли доимо харидоргир. Хуллас, “асал бобо”га айланган ҳамюртимизнинг ҳар бир куни эзгуликка тўла.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Бола эдик. Акам иккимизнинг хаёлимизга ХХІ асрда оиламиздагилар неча ёшда бўлишини ҳисоблаб чиқиш фикри келиб қолди. Шартта қоғоз-қалам олиб, ҳисоб-китобни бошладик. Ўша пайтда биримиз 14, биримиз 11 ёшда эдик. Мурғак тасаввуримизда ХХІ аср биздан жуда-жуда олисда тургандай эди гўё...

ЙИЛЛАР САБОҒИ

Қатра

Ўша олис келажакда ота-онамизнинг ёши эллиқдан ошиши, ўзимиз йигирмадан ҳатлаган бўлишимизни ҳисоблаб, аниқлаганимизда роса ҳаяжонга тушгандик. Худди ўзимиз улғайиб қоладиган ўша вақт жуда кўп ишларни амалга оширадигандай, кўп нарсага эришадигандай туюлган эди. Бир неча кун шу ҳаяжон бизни тарк этмаганди, орзулар, ниятлар... Ҳам уларга тезроқ эришиш учун вақт тезроқ ўтишини исташ...

Ҳар бир йил ниҳоясига етганида ўша ҳолатни эслайвераман. Ушанда худди ўтмайдигандек кўринган йилларнинг бир зумда ўтиб кетганини ўйлайман. ХХІ аср аллақачон бошланиб, ҳатто унинг 21 йилини яшаб ҳам қўйдик. Нималаргадир эришдик, нималарнидир, кимларнидир йўқотдик...

Йиллар эса бизга ўзининг сабоғини бериб, хулосасини айтиб, ўтаверди.

Биздан эса сўрамади, “кетаверайми, мендан кутганинг не эди?”, демади. Ҳамон бу саволни бермайди у. Бу саволнинг жавоби-ни кетар олди ўзимиздан сўрайди...

Хуршида АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё.

Отам Азимжон ака оилада якка-ёлғиз ўғил эканлар. Кетмакет ўғил-қизларидан ажралган ота-она ёлғизгина дилбанди-ни еру кўкка ишонмас, айтганларини бажо келтиришар экан. Ёшлигидан отга меҳр қўйган отамиз ўн уч ёшга кирганларида бир воқеа содир бўладик, пировардида оиламизнинг бу жониворга бўлган меҳри янада ортади.

Кунларнинг бирида отамиз одатига кўра, ота сайр қилиш учун кўчага отланади. Тулпорининг текис чопишига берилиб кетганидан уйлари-дан анча узоққа кетиб қолганини, кеч кирганини сезмай қолади. Бир пайт қараса, қандайдир тепаликлар олдида турибди. Узоқдан милтилаган чироқ шуъласи кўринади. Чанқаган ва очиққан чавандоз ўша томонга йўл олади.

Етиб борганида катта бостирма остида отлар боғланган бўлиб, кичик уйчада эса уч-тўрт киши ўтирарди. Сув ва егулик сўраб, қайтиш йўлини билмоқчи бўлган болага нотаниш бу кимсалар ҳадиқ билан қарашади. “Қарердан келдинг? Ким билан

Ҳаётинг ҳикоя



келдинг? Бизни танийсанми?” сингари саволларга кўмиб ташлашади. Маълум бўлишича, бу кимсалар от ўғрилари бўлиб, ўғирланган жонзотларни шу ерда сақлашар, кейин уларни бошқа

қишлоқ ва шаҳарларга олиб бориб сотишар экан.

Сирлари фош бўлишидан ҳадиксираган ўғрилар болани роса калтаклашиб, чалажон ҳолида ўз отига чамбарчас боғлаб қўйишади. Сўнг отни қайишлар билан қозиққа маҳкамлаб, тонг саҳарлаб йўлга чиқмоқчи бўлишади. Ўғрилар қаттиқ уйкуга кетишгач, зийрак от қайишни чайнаб узиб, эгасини олиб ортга чопади. Қирмақир ошиб, оқ кўпикка ботганча тонг саҳарда уйга етиб келади. Боласини кута-кута кўзлари тўрт бўлган ота-она бу ҳолни кўриб хушдан айрилишади.

Ёш эгасини ўлимдан асраб қолган бу жонивор оиламизнинг фахрли аъзосига айланиб, кўп йиллар яшади. Уни билган ва у ҳақда эшитганлар ҳозир ҳам вафодор отни ўзгача меҳр билан ёдга оладилар.

Машрабхон
ЖУВОНМАРДИЕВА,
Тошкент.

Ўзбек сериаллари ичида машҳур бўлган "Опа-сингиллар"да Анзират образини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Носирова театр, кино ва дубляж санъатида ўзига хос юзлаб образлари билан томошабинлар юрагини забт этган. Саҳифамизнинг бу галги меҳмони санъат ва ундаги муаммолар ҳақида сўзлади.

— Гулчеҳра опа, санъатга кириб келган илк пайтларни қандай хотирлайсиз?

— Болаликдаги орзуим. Санъатдан бошқа касб ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Ҳамма болалар каби боғчада эмас, театрда катта бўлганман, десам муболағасиз. Спектакллар, премьераларни кўрган сайин муҳаббатим ортаверарди актрисаликка. Бу борада илк устозим — дадажоним Ҳакимжон Носиров Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрининг актёри бўлган. Институтни тугатгач, отамнинг хоҳишига кўра, Муқимий театрида фаолиятимни бошлаганман. Шунга ҳам 35 йил бўлибди-я...

га ҳавола этилгунга қадар 3-4 ойлаб шуғулланилади. Йиқилдиган ёки йиғлайдиган жойи бўладими, сўзлари ҳар куни қайтарилади, такрорланади. Ҳар бир ролни юракдан ўйнаш керак. Қалб кўпроқ ишлайди, юзга кўпроқ ажин тушиб, соч тез оқаради. Шу боис театрда ҳамма ҳам ишлай олмайди. Унинг тоши оғир, борлигини беришинг шарт. Театр — ҳақиқий фидоий санъаткорнинг макони. Жонингни, куч-қувватингни бағишласангина, халқнинг олқишини оласан. Аммо бугунги фильмлар ва сериаллар шошма-шошарлик билан олинган. Бир кунда олишади, монтаж, дубляж қилишади ва шу куни экранга бер-

етиш учун катта меҳнат талаб этилади. Бугунги томошабин сериал борасида анча тажрибали. Ҳаттоки хатоларни ҳам санаб ташлашади. Ҳар қандай актёр томошабинни табиий ижро билан жалб эта олиши мумкин. Бу ҳақда ёшларга кўп уқтиришга уринамиз.

Мирза Азизов "шу актриса билан роль ижро этаман" деган эканлар. "Қодирхон" сериалида бирга ишладик.



Гулчеҳра НОСИРОВА:

“ҚОДИРХОН” СЕРИАЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАЁТДАН ОЛИНГАН

Катта саҳнада ўйнаган илк ролим — "Чароғонда сўнган юлдузлар"даги Зойира. Юзлаб спектаклларда турли образларни яратганман. "Зафар — куёв фарзанди", "Дилафрузга тўрт ошқ", "Алпомиш", "Ака-ука совчилар", "Бахт кўрғони" спектаклларида яратган образларим жуда қадри. Юқорида театрда катта бўлганман, дея бежиз айтмадим. Шу ерда яшайман деганим ҳам бўрттириш эмас. Театр ҳамиша ибрат даргоҳи бўлган. Саҳнадаги образлар, руҳий кечинмалар аслида ҳаётдан бир лавҳа. Фарқи — уни кўриш, тинглаш, ҳис қилиш, хулоса чиқариш холос. Томошабин асардан кўнгли тўлмаса, юраги "жиз" этмаса, қарсак чалмайди. Актёр ўз ролига бор вужуди билан киришмаса, қалб кўрини бермаса, ундаги кечинмалар билан яшамас экан ҳеч кимни ишонтира олмайди.

— Сериал, кино ва театр. Қай бирининг меҳнати оғир?

— Кўпчилик "Опа-сингиллар" сериалидаги Анзират образим билан эслашади. Учрашувларда, кўча-кўйда "ана Анзират" дейишади. Бу образ аслида салбий қилиб талқин этилиши керак эди. Аммо мен сал юмшатиброк, аёл дардини қориштириб ўйнаганман. Шунданми билмадим, асосан, оналар образини беришарди. Чунки салбий образларимдан ҳам яхшилиқ кидираман.

Томошабин реал ҳаётдаги қаҳрамонни кўрсатгани унутмайди. "Кўнгли кўчалари" сериалида Элёр Носиров билан эр-хотин образини яратганмиз. Орадан йиллар ўтиб "Журналист" сериалида яна бирга роль ижро этдик. "Кўзларинг маънос", "Супер келин-чак" каби ўнлаб илк тижорий фильмларда ҳам ижроларим бор. Кинода кўплаб, ҳатто юзлаб ролларни яратиш мумкин. Бироқ, театрдаги битта ролга қувват етмай қолади. Боиси ҳар бир спектакль томошабинлар эътибори-

воришади. Хато кетмадимикан, деган кўркун ҳам йўқ. Томошабин олдидаги масъулият ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Бу, албатта, савиясиз ва бир марта кўриладиган асарга айланиши табиий. Баъзида ўша кинода ёки сериалда ўйнаган кичик эпизодик ролимдан қониқмайман.

Бир пайтлар ҳар ҳафта эфирга узатиладиган "Табассум" эшиттириши жуда машҳур эди. Санъатимиз дарғалари Суръат Пўлатов, Бахтиёр Ихтиёров, Хусан Шарипов, Равшан Солиҳовлар билан ўша эшиттиришда баробар ишлаганман. Халқимиз интиқлик билан

Афсуски, сериал якунига етмасидан, бизни тарк этди. Жуда кучли ижодкор эдилар, соатлаб гапирсак кам бу актёр ҳақида.

"Қодирхон"даги она образи шу пайтгача ўйнаган ролларимдан тубдан фарқ қилади. Ўта сабрли, оғир-босиқ, бадавлат бўлсада, камтарин, оқила, садоқатли ва эрини "пири" дея қабул қилган аёл. Давронга нисбатан ўз ўғлидек муносабати, ўз фарзандлари қатори кўриши, ажратмаслиги, меҳрини аямаслиги, бир сўз билан айтганда, меҳридарё она образи. Бунинг учун ўша ҳолатга кириш керак. Бунинг



кутарди. Кечаю кундуз меҳнат, ҳар бир сўз устида соатлаб ўйланишлар... Ҳозир-чи? Олдингдай сўз ёдлашлар йўқ. Борган заҳоти ролни ўйнаб бериш керак, холос.

— "Қодирхон" сериали ва сизнинг образингиз...

— Биласизми, бугунги кунда эфирга кетаётган ва съёмка қилинаётган сериаллар жуда кўп. Телеканалларимизни деярли ўзбек сериаллари эгаллаб олган, десак ҳам бўлади. Бу яхши, албатта. Аммо томошабин танловини унутмаслигимиз керак. Уларни жалб

акс эттириб бериш ҳам мураккаб. Чунки образда барча ҳолатлар қоришиқ ҳолатда. Юз, мимика, қарашлар, гапирришдан олдинги қиёфа... Сериалда рўй бераётган воқеалар реал ҳаётдан олинган. Бунинг Мусахон акадан сўраб билганман. Айнан мен ижро этаётган аёл ҳақида қизиққанамда кўп воқеаларни айтиб берганлар.

— Съёмка жараёнидаги қизиқ ҳолатлардан айтиб беринг.

— Бир куни операторимиз битта саҳнани олиб бўлгач, кейинги саҳнага тайёргарлик кўрдик. Мен кийимим-

ни алмаштириб, гримимни ўчирдим, мотам саҳнасига тайёр бўлиб, ўтиб кетаётсам, бирдангина ўша оператор ўрнидан шаҳдам билан туриб, қўлини кўксига қўйиб, бошини эгиб, "ассалому алайкум, опа, яхшимисиз?", дея қарши олди. Хайрон бўлиб қолдим. Нега мен билан яна қайтадан сўрашмасиз десам, "вой, Гулчеҳра опа, бу сизмисиз? Узр, танимабман, сизни шу хонадоннинг эгаси деб ўйлабман" деса бўладими. Ҳамма қулиб юборди. Ижод жараёнида шунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп содир бўлади.

— Ёш актёрлар...

— Томошабинни йиғлатиш ҳам, кулдириш ҳам қийин. Ҳаттоки кийинишдан тортиб, ўзини тутишгача эътибор муҳим. Бугунги томошабин нимадан норози? Улар ёш санъаткорларнинг ташқи қиёфасидан норози. Ёшлар ҳар қандай ҳолатда ҳам саҳнага чиройли қиёфада чиқишга ҳаракат қилади. Яқинда ижодий учрашувга боргандик. Бир аёл "Нега ёш санъаткорларга кийиниш ва ўзини тутишни ўргатмайсизлар? Лаблари шиширилган, татуаж, киприклар улама, юзида табиийлик йўқ. Ўргатсанглар бўлмайдими?" дея танқид қилди. Тўғри, бунда бизнинг ҳам айбимиз бор. Бир фильмда актриса Ситора Алимжоннова билан она-бола образини ўйнадик. Фильмда қизнинг кўзи кўр бўлиб қолгач, жарроҳлик амалиётидан кейин кўзлари кўра бошлаган саҳнаси. Ситорага қарасам, киприк улатиб олган экан, кўзларини юмиб ётибди. Гримчига "Бу жуда кулгили-ку", десам, елкасини қисди. Актрисага ётиқлик билан тушунтирдим. "Кўз олдингизга келтиринг, операциядан чиққан одам қай ҳолатда бўлади? Томошабин сизни бу узун киприкларда кўрса ғалатимасми", дедим. Ситора тўғри қабул қилди. Ўша куни узун киприкларини олдиргач, саҳнани ярим тунда ижро этганмиз. Билсам, бундай киприкларни олиб ташлаш ҳам анча машаққатли ва оғриқли экан. Ёш актрисалар хунук бўлиб кўринишдан кўрқишлари керакмас. Аслида санъатини, образини борлиги билан ижро этишга интилиши, томошабин ҳафсаласини пир қилишдан чўчишлари керак.

Нилуфар ЮНУСОВА
суҳбатлашди.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-549 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.